

ЮБИЛЕЙ ЙИЛИ МАЖБУРИЯТЛАРИНИ ШАРАФ БИЛАН БАЖАРАЙЛИК

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ХАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

14 йил чиқиши

№ 114 (3596).

10 ИЮНЬ

ШАНБА

1967 йил

Баҳоси 2 тийин.

Область қишлоқ хўжалиги илғорларининг тажриба алмашиш, маслаҳат кенгаши ҳозирги кундаги муҳим масалаларни белгилаб берди. Кенгаш тадбирларини амалга ошириб, юбилей йилида мўл ҳосил етиштириш учун курашайлик!

● **ХАР ТУП ҒУЗА ДЕХҚОН МЕХРИГА ҚОНСИН. ҲАММА ЕРДА КЎЧАТНИ ЯХШИ РИВОЖЛАНТИРИБ, БИР ТЕКИС ШОНАЛАТИБ ВА ГУЛЛАТИБ ОЛАЙЛИК.**

● **ЎТ—ҳосилнинг кишани. Уни таг-томири билан йўқотайлик.**

● **ҲАШАРОТ—ЭКИН ДУШМАНИ. ЗАРАРКУНАДАЛАРНИНГ ТАРҚАЛИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙМАЙЛИК.**



● Суратда: Ленин мукофотининг лауреати, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Турсуной Охунова кенгаш қатнашчилари билан суҳбатлашмоқда.

● Суғоришни тўғри уюштириб, ерларнинг шўри ва захирини тезроқ ювиб ташлайлик. Ғўзаларнинг соғлом ривожланишига эришайлик.

● Звено системаси яхши самара бермоқда. Бу система—комплекс механизация, ҳосил манбаи, деҳқон фаровонлигининг негизи.

● Ерларнинг тахталар қоқиб бўлиб берилиши ишнинг сифатли бўлиши ва моддий манфаатдорликни оширишда катта роль ўйнамоқда.

БУТУН КҮЧ—ҒУЗА ПАРВАРИШИГА!

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИЛҒОРЛАРИНИНГ ОБЛАСТЬ КЕНГАШИДАН

Бу фаслнинг биринчи оқи — июнь ўтиб бормоқда. Деҳқон далаида мўл ҳосил нишонлари кўрина бошлади. Гуркираб ўсаётган ғўзалар шондан исига тақмоқда. Механизатор ва колхозчи ҳар кун пахтазорига раҳм солиди, ғўза туллари бирма-бир кўздан кечиради. Қанча ҳосил олинсини чамалаб кўради. Шу долзарб кезларда қандай тадбирларни амалга оширишни ҳисоб-китоб қилади. Қўш-нилари, келиб-кейтиб турувчи мутахассислар билан маслаҳатлашади. Деҳқон фикрини ифодаловчи, уни ғайратлантирувчи ва амалий ердан берувчи йўл-йўриқ, ишнинг жадаллаштириб юбурувчи ўғит керак.

Худди шу мақсадда куни-кеча Бўка районда тажриба алмашиш, маслаҳат мажлиси бўлди. Райондаги сой-адирлар ташиқ тоғида, қадимда чорва моллари боқиладиган айллов, баҳорикор ерлар бўлиб «Бўка» совхозининг кўркам истроҳот боғи гажув бўлиб кетди. Бу ерга районлар, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари, комплекс механизацияланган звено ва участкаларнинг бошлиқлари, мутахассислар келишган. Улар июнь, июль ва август ойларига ғўза парварлиги соҳасида, далада ишлаётганларга ғажуврилиқ қилиш тўғрисида, меҳнатни ташиқ этиш ва ҳақ тўлаш қандай олиб бериш режалари ҳақида бир-бирла бу ерга келишган. Кенгаш бошлангунига қадар колхоз раислари, совхоз директорлари, звено ва участка бошлиқлари ўзаро суҳбатлашиб, маслаҳатлашиб ўтиришди. Машиқур меҳнаткор Ленин мукофотининг лауреати Турсуной Охунова ёнига бўлиб келган совхоз раислари Саодат Гулҳамидова билан Мария Ковалёва келишди. Улар ўз устозларини юксак мукофот билан самимий табриқлашди ва ундан ҳозирги кунда нимадан қилиш тўғрисида маслаҳат сурашди. Турсуной уларга ўз ишлари ҳақида гапириб берди ва нонда ғўзани ўтга олдириб қўймаслигини алоҳида таъкидлади.

Кенгаш қатнашчилари совхоз боғининг суғиш жойига туланишди. Область партия комитетининг биринчи секретари М. А. Абдуразақов қисқана нутқ сўзлаб, кенгаши очди.

Янгиўл район партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ А. Алимовга сўз берилди. У район пахтакорлари улуг давлатимизнинг эллик йиллик тўйини муносиб кутиб олиш мақсадида пахта далаида фидокорона меҳнат қилаётганликларини, она-Ватанга ҳар гектар ердан 28 центнердан, жами 63 минг тонна пахта етиштириб бериш учун астойдил курашаётганликларини айтиб ўтади. Райондаги илғор хўжалиқларда ғўзани ўтдан тозалаш, ўғитлаш, суғориш ва култивация қилиш яхши олиб бориламоқда. Лекин, ҳали ўт босган, сифатсиз парвариш қилинаётган ғўзалар ҳам бор. Бу камчиликларни тезда тугатиш учун, дейди леник, барча ишчи кучлари ва техника кўла сафарбар этилади.

Район партия ташкилотининг муҳим вазифаси, — деб таъкидлайди ўртоқ А. Алимов, — далада ишлаётганларга ҳамаватқ ғажуврилиқ қилишдан иборатдир. Биз

уларга маданий-маиший хизмат кўрсатишни тўғдан яхшилаш учун курашмоқдамиз. Дала ишчиларини колхозчи ва механизаторларнинг яхши ҳордиқ чиқариб, дам олади-ган жойига айлантиришмоқда. Уларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш тобора яхшиланмоқда. Бақарилаган иш қабул қилиб олинган, кассирлар иш ҳақини даланинг ўзига олиб бериб берадилар. Илгари вақтларда ишни бақарган хотин-қизлар бир ёйда қолиб, пулни уларнинг эрлари, ака-укалари олар эди. Ҳозир шахсан ўзалари олмақдаларини, бу ҳар бир ишнинг янада ғайрат билан меҳнат қилишга руҳлантирмоқда.

Райондаги Ангельс номи колхозда одамларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш ана шундай йўлга қўйилганлиги натижасида ва меҳнатни ташиқ этишда звено принципи амалга оширилганини туфайли ғўза парварлиги намунаси олиб берилмоқда.

Район колхозларида ҳозирги пайтда ҳал қилувчи роль ўйнаётган суғишларга ғажуврилиқ жуда саз йўлга қўйилган. Вақти-вақтида қўй суғишди, уларга алоҳида иссиқ оғдат қилиб берилди.

Район хўжалиқларида совиқ-жазоб кезлари, айниқса медицина хизмати кўрсатиш иборати ташиқ этишган. Тақриобан медицина ходимлари, медицина фани докторлари колхозчилар уйда бўлиб, уларнинг саломатлиги ҳақида қай-гурмоқдалар, маслаҳатлар бермоқдалар.

Янгиўл район партия ташкилотининг коммунизм қурувчисини тарбиялашдан бундан кейин ҳам зарур бўлган барча тадбирларни тўла амалга ошириш учун курашди, дейди парвардада ўртоқ Алимов. Минбағда республикамизнинг машаъл хўжалиги — Ленин ордени «Ўзбекистон ССР беш йиллик» совхоз партия ташкилотининг секретари ўртоқ Қ. Гафурова чиқди. У совхознинг барча ишчилари, механизаторлари, мутахассислари ва хизматчилари номидан олий мукофот учун юзлаб колхозчиларни Совет ҳукуматига қизғин киншадорчилик туйғуларини ифозор этди.

— Биз, — дейди у, — шу юксак мукофотни фидокорона меҳнатимиз билан оқлашга ва янги марралар сари астойдил интилишга ҳаракат қиламиз. Совхозимиз коллективини беш йилликнинг иккинчи йилида ҳар гектар ердан 32 центнердан ҳосил етиштириш ва бу пахтанинг 85 процентини машиналар билан териб олишни мўлжалламоқда. Қадимда қамшизор ва ботқоқ ерлар бўлган бизнинг бугунги унумдор далаларимизда юбилей йилида мўл ҳосил етиштирилади. Катта тўйга катта соғва билан борамиз.

Ўрта Чирчиқ район партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ А. Мирҳамедов сўз олади. У ўртачирчиқликлар бу йил 27 центнердан пахта олиш учун курашаётганликларини айтиди. Район хўжалиқлари ҳосилнинг 70-75 процентини машина билан териб олишга қарор қилдилар. Ўртоқ А. Мирҳамедов ҳозирги кунда кўчатни сақлаш, бунинг учун култивация, чопиқ, суғориш

ишларини юқори сифатли ўтказиш талаб этилишини алоҳида таъкидлайди. Агар, дейди у, оғзини бўлса ҳам эътиборсизлик қилиб қолинса, бугунги кунда яшнаб ўсиб турган кўчатдан ажраб қолсин мумкин. Бунга асло йўл йўқмаслиги керак. Район партия комитети, район ижроия комитети ва қишлоқ хўжалиги бошқармаси биргаликда махсус гуруҳлар тўзиб чиққан. Бу гуруҳларнинг ҳар 16-кунда бақарилаган ишнинг бевосита қабул қилиб олади ва ишнинг сифатига қараб ҳақ тўлашни белгилайди. Биз бу тадбирни 20 августга давом эттирамиз. Ҳар туп ғўзани тўла сақлаб қоламиз, унинг серҳосил бўлиб етилшини ва пахтанинг эрта мудатларда очилиши учун зарур бўлган барча тадбирларни тўла амалга оширамиз.

Шундан кейин бекобод районининг 1-«Давларзин» совхозининг директори ўртоқ М. Чолақовга сўз берилди.

— Хўжалигимиз пахтакорлар, — дейди у, — Совет ҳокимиятининг ярим асрлик юбилей йилида она-Ватанга 10 минг 600 тонна «оқ олтин» етказиб қилиш қатъий аҳд қилганлар. Улар шу аҳднинг удрасидан чиқиб учун эрта баҳордан буён астойдил меҳнат қилиб келаятилар. Фидокорона меҳнат ўз самараларини кўрсатмоқда. Барча пахта майдонларимиздаги ғўзалар кун сайин авж олиб ривожланипти. Қатор ораларига комплекс ишлаб бериш агротехника қондалари асосида ўтказилапти.

Ҳаммадан ҳам қувончлини шуки, ер участкаларини тахтача усулида ишчиларга бўлиб бериш ўзининг аjoyиб афзалликларини кўрсатмоқда. Бу йил ҳамма пахта майдонларимиз ишчиларга бўлиб берилган. Дастлабни қувончи нақли шуни, бултур янгалашини 35 кун деганда тавомотлан эди. Бу йил ана шу усулнинг афзаллиги туфайли бор-йўри 14 кун ичида барча майдондан ғўза сифатли янгаланд чиқарилади. Уни йўқотишга ҳам илгариги йиллардагига нисбатан 15—20 кун барвақт киришган эдик. Натижасида ҳозирги пайтга келиб далаларда бегона ўтлар асосан тугатилди.

Тахтача усули кишиларимизнинг масъулиятини оширди, мўл ҳосил етиштириш учун тағин ҳам кўпроқ қизиқиш уйғотди. Ўзаро мусобақани авж олдиришда катта ердан берапти. Айниқса, ишнинг сифатли бақарилишида муҳим аҳамиятга эга бўлапти.

Совхозимизда 82 та звенонинг ҳаммасига активларни биритиб қўйганмиз. Улар ҳар ойда икки марта ишнинг сифатини текшириб, қабул қилиб олишди. Ишчиларни сифатли ишлашга рағбатлантириш учун сифатли бақарилаган иш учун 10—12 процент, кўчатнинг тўла сақланганлиги учун 15 процент қўшимча ҳақ тўлаш тартибини жорий этдик.

Шак-шубҳа йўқки, юбилей йилида совхозимиз меҳнаткашлари ўз зиммаларидан юксак социалистик маъбуриятларни шараф билан бақардилар.

Минбағда — Янгиўл районининг «Интернационал» колхозчи-

ниг механизатор-звено бошлиғи, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутаты ўртоқ Н. Айвазов. У юбилей йилида қолоқ участкаларини илғорлар даражасига кўтариш тўғрисида гапирди. Колхозда хўжалик ҳисобига ўтган, нарядсиз усулда ишлайдиган звенолар тобора кўпайпти. 87тан йили бундай звенолар 13 та бўлган бўлса, бу йил 25 тага етказилди. Нарядсиз усулда ишлашнинг афзаллиги туфайли колхозда бирорта ҳам қолоқ участка қолмапти. Ҳамма звеноларда пахтадан баранка ҳосил олинапти. Ўртоқ Айвазов бошлиқ нарядсиз звено деҳқонлари бу йил гектар боғида пайицага 26 центнер ўрнига камиди 30 центнердан хирмон кўтариш учун курашишляпти. Ҳозиргача ғўзаларга икки марта комплекс ишлаб берилди. Елпасига шоналаб, гуллан арасасида турган ғўзалар ҳозирнинг ўзида мўл ҳосилдан дарак бериб турибди. Механизатор-звено бошлиғи «Бу йил етиштирадиган пахтаимизнинг деярли юз процентини фақат машиналар билан териб оламиз» деб кенгаш қатнашчиларини қатъий ишонтирди.

— Деҳқоним деб бош кўтариб юрган одам ўз пайкалидан баранка хирмон кўтарганидиганига «Деҳқон» деган шарафли номин оқлайди, — дейди ўз сўзида Оқўғорон районидagi «Ленинбод» колхозининг участка бошлиғи, республикада хизмат кўрсатган пахтакор ўртоқ Т. Ғазатов, — Бизнинг участкамиз пахтакорлари ана шу юксак номин оқлаш учун йил сайин «оқ олтин» ҳосилдорлигини оширишга алоҳида эътибор бериб келаятилар. Бунинг учун куч-гайратларини ақл-диққатларини алмай, астойдил меҳнат қилишляпти.

Юбилей йилида 35 центнерлик маррани қўлайимиз. Мамлакатга ҳаммаси бўлиб 730 тонна пахта етказиб бермоқчимиз. Битта участка учун шунча миқдорда пахта етиштириш осон га эмас, албатта. Деҳқонларимиз ана шунини кўзга қилган ҳолда юбилейлик кўрсатиб ишлашляпти. Деҳқон меҳри-

га қонаётган ғўзаларимиз кун сайин авж олаяпти. Юбилей йили бизнинг катта зафарлар йилимиз бўлиб қолишига ишончимиз номил.

«Бўка» совхозининг ишчиси ўртоқ Х. Қўчқорова тахтача усулида ишлашнинг афзаллиги тўғрисида гапириб шундай деди:

— Бутун совхозимизда бўлгани каби бизнинг звеномизда ҳам пахта майдонлари деҳқонларга бўлиб берилган. Меъ икки йилдан бери шу усулда ишлаб, унинг афзаллигини жуда яхши билиб олдим. Афзаллиги аввало, шундаки, кишининг ишга бўлган масъулиятини ортади. Ҳар бир одам ўз ишнинг сифатли қилиб бақаришга астойдил интилади. Чунки, ўз участкасида мўл ҳосил етишига ўзига фойда, оорбўси ҳам, даромади ҳам ортади.

Меъта ажратилган ер беш гектар. Шунинг эрта баҳордан буён сифатли ишлаб, ғўзани гуркиратиб ривожлантирайман. Пайкалимда бирорта ҳам бегона ўт қолмади. Юбилей йилида ўзимга қарашли еригиз ҳар гектардан камиди 35 центнердан ҳосил етиштиришга сўз берганман. Шу сўзим — сўз!

Шундан кейин Бўка районидagi Илчиқ номи колхоз раиси Ғ. Жарқинбоев сўз олади.

— Совет кишилари — метидек мустаҳкам иродали кишилар, — дейди у, — Бу ирода айниқса оғир кунларда ёрқин намоен бўлади. Мана, бу йилги табиий офатлар шариғида ҳам кишиларимиз қанчалик мустаҳкам иродали эканлигини кўрсатдилар. Пахта майдонларимизнинг 1075 гектари табиий офатга учради. 475 гектар еригимиздаги кўчат но-бўд бўлиб кетди. Шу ерларни бу-бўд қилган қайтадан чигит экиб олдик. Қолган майдонларнинг ҳаммасидagi кўчатни бутладик. Бу колхозчиларимизнинг фидокорликларини, жонқурлигини ватанларимизнинг натижасидир. Ҳали кун қўлгина майдонларимиздаги ғўза ривожланишдан 10—15 кун ортда қоляпти. Бу қолоқнинг тугатиш учун барча майдонларда илгари лизмага олишган маж-

буриятни тўла қоплайдиган мўл ҳосил етиштириш учун барча колхозчиларимиз бир жонбир таи бўлиб меҳнат қилмоқдалар. Улуғ Октябрьнинг шодибна тўйини катта зафарлар билан кутиб оламиз деб, ишларни қатъий ишонтирамиз!

Бекобод районидagi «Октябрь 46 йиллик» шодикорлик совхозининг директори ўртоқ А. И. Тен кенгаш қатнашчиларига хўжалик меҳнаткашлари юбилей йилида эл дастурхонига ҳарқачонгидан ҳам кўп шодли етказиб бериш учун қандай ишлар қилаётганликларини тўғрисида гапириб берди.

Шундан кейин Бўка район партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ Т. Ражабовга сўз берилди.


— Бизнинг районимизда, — дейди у, — биргина пахтачиллик эмас, балки қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларини комплекс механизациялаштиришга жиддий эътибор берилляпти. Пахтачилликда районимиз бўйича 827 та комплекс механизацияланган звено ишлаб турибди. Чорвачилликда 25 та, сабзавотчиликда 23 та ва шликчиликда 12 та звено ташкил эдик. Ишончимиз юксали, бу звенолар қишлоқ хўжалигининг ана шу тармоқларини ҳам беқисс юксалтиришда катта аҳамиятга эга бўлади.

Районда звено системасининг тўла жорий этилиши, йил сайин унинг такомиллаштирилиши, ишбилармон кадрлар билан мусоҳақамлашнинг ҳам ҳосилдорлигини, ҳам даромадини оширишга тўла ишон берапти. Звено системасига ўтилмаган 1962 йилда колхозчилар ва совхоз ишчиларининг ҳар бир иш кунлари аэагига район бўйича ўрта ҳисобда 1 сўм 95 тийиндан ҳақ тўланган бўлса, бултур 4 сўм 48 тийиндан ҳақ тўланди. Ана шундан ҳам кўришиб турибдики, звено системасининг афзаллиги катта, истиқболли норлоқдир.

Ҳаммага маълумки, бу йилги табиий офатлар деҳқонлар учун катта қийинчиликлар тугдириди.

С. МАҲҚАМОВ, Ш. ПОРАХМЕДОВ,

«Тошкент ҳақиқати»нинг махсусе мухбирлари.



● Суратларда: (чапда) кенгаш қатнашчилари — ўртачирчиқлик А. Бобоқулов, М. Турсунов, бўкалик К. Бўронов ва пискентлик А. Шуқуриллаев ўртоқлар ўзаро суҳбатлашмоқдалар. (Ўғда) кенгаш қатнашчилари.

А. Абалин фотолари.



ҚУШҚАВАТ МАГАЗИН

Пойтахтимизнинг Навоий проспектида «Узгирогор» учун янги ҳашаматли бино қуриб битказилди. Янги бинонинг биринчи ва иккинчи қаватлари «Таштекстилтор» ихтиёрига берилди. Бу ерда оқчилдан қушқават магазини Тошкентдаги ана шундай энг катта савдо корхоналарининг бешинчиси бўлади. Магазинда харidorларга юз киши савдо хизмати кўрсатади.

Магазиннинг биринчи қаватида газмоллар билан савдо қилинади. Сотиб олган газмолнинг шу ернинг ўзида таянча фасонини таъмирлаш мумкин. Иккинчи қаватда аркак ва аёллар ҳамда болаларнинг тайёр кийимларини харид қилишнинг мумини. Кийимлар прифабрикат ҳолида ҳам бўлади. Сиз ётирган кийимни шу ернинг ўзида чеварлар қўли билан тасвирга мос қилиб тикиб берилади.

ВИСТАВКАГА МАРҲАМАТ

Ўзбекистон Халқ ҳужалиги юзлари виставкасида тез-тез янгиликлар бўлиб туради. Кунин-кунга бу ерда республика энг янги саноати корхоналари ишлаб чиқараётган маҳсулотлар ямаркас очилиди. Ямаркада Тошкентдаги «Қизил тоғ», 1-тикувчилик фабрикалари, Қарши, Наманган, Фарғона ва бошқа шаҳарлардаги энг янги саноат корхоналари тайёрлаган маҳсулотларни кўриш мумкин. Бу тадбирда Тошкент Марказий университети, Савдо маркази ва бошқа савдо шохобчаларининг вакиллари ҳам қатнашаётган. Ёшлар саноат корхоналарининг ходимлари савдо ходимлари билан ҳамкорликда аҳолининг кийим-кечакларга бўлган талабларини, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг истеъмолчиларга қай даражада маъқул бўлишини ўрганоқлар.

Ямаркада ишлаб турган дарва тулганга тақдир ва талаблар энг янги саноат корхоналарининг келгусидаги фаолиятини ушун катта аҳамиятга эга бўлади.

ЎЗБЕК ЧИНИСИ — МОНРЕАЛГА

Жаҳонда ташкил этилган бирорта йирик виставка йўқин, унда ўзбек чинисини намойиш этилган бўлсин. Ҳа чинисимиз оламнинг машҳур. Ота-боболаримизнинг қадимги касбинини улуғлаб, шухратини жаҳонга машҳур қилётган чинисозларимиз саноатига ҳамма қўйил қолмоқда. Янги да Тошкентдаги янги заводнинг маҳсулоти Монреалдаги «ЭКСПО-67» жаҳон виставкасида жўнатилди. Биз виставкага,—деди заводнинг бош расмони Ботир Собиров,—20 га яқин турли чинилар юбордик. Биринча чойнакнинг ўзи олти хил бўлиб, унга жуда бежирим гуллар солинган. Айниқса, пилла, коса, лаган, сервизлар ҳам жуда кунт билан ишланди. Бундан ташқари турли хил ваза ва бошқа нафис ишланган, ўзгал безаклар солинган, серкўш республикамизнинг кўркამ қиёфаси аёқ эттирилган чини идишлар ҳам бор.



ГУЛЛАР ОЧИЛГАНДА.

Х. Ҳайитмухамедов фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

КИМКИ бирор ҳақида гапирса гапирверсин, мен эсамин ўз ҳақида гапирмоқчиман. Болалигимданок мени бетоноқ деб аташарди. Ойим билан дадам қолар шу бетоноқлим билан катта бўлсам у вақтда ким бўлишим ҳақида баҳслашгани-баҳслашгани эди. Ҳар иккиси ҳам ўз деталларини аниқлашарди. Ким бўлишим менинг учун эса барибир эди. Фақат бир жойда кўп қонуштириб ўтирмагани бўлгани. Ойим билан дадам ҳамон баҳслашардилар. Бу орада мен ўзимни-ўлтайдим. Қўларим бекор туришини истамайдиган бўлиб қолдим.

Бир-икки кун ўйнадим. Ўтиришларга бордим. У ерда... ишқ балосига дуч келдим. Ошнқ бўлиб қолдим. Кечин пайт Галина билан вақтинчалик қилсам, кундузи эса пашша билан олишиб ўтиришдан бошқа иш йўқ. Виласизки-мен ароқ измайман. Ишнқ ўтирилмайман ҳам. Тоқатим тоқ бўлган, расис олдида бордим. Алась Кристинка, биринчи класс шофери, хизматдан қайтдим, анди машина келди деб мурожаат қилдим. У мени кўлимин қаттиқ синдириди. (Ўтириб олишимга оз қолди), дедим.—Табриклаймай, яқинда самосат бўлиб қолдим.

Эртасига Брисынни областа мажлисга олиб бордим. Пул ёмон, ўйдим-чукор кўп. Агар тилвинти тиймасанг, тишлаб олиш ҳеч гап эмас. Мен жан, у ҳам. Ётиб келдим. Брись машинадан тушганч-буорди: «Кут». Маиа мен кутиб турибман. Бир соат ўтди — асабийлашдим, яқин соат — газабим ошди, учинчи соат — тер сувади куйилти. Ахир мен бирор марта маиа шундай ишнқ сарғайиб турганманми? «Бу Брись қачон қайтарини?» Кутдим, кутдим — биғизда ўтириб ўтирдим ўзимам. Бундоқ кетганман. Болаларим катта бўлиб, дада-коммунизмни қандай қилиб кўридинг, деб сўрашди. Отайиллар, ахир мен, бошлигим — Пушра — машина ҳайдашнинг ўргана олмаслигига айбдорманми?»

Мен бу йигитнинг фикрига қўшнлмаман. Ўзимга ўзим революцияга ёниб қўйдим: Брисьга машина ҳайдашнинг ўргатиш. Қўлардан бир кўп қўлай вазият келганда: «Прокон Гаврилович, министрликнида ишлаётган мингига бор бўлса ҳам, шу пайтгача «Москвич» ҳайдашни билмайсан.

Вир куни кечга яқин мен муҳаббатимнинг ашнқиб ҳушидан кетмайдим. Менинг Галинкамга қолқоз ҳисобини совин кўймоқчи бўлибди. Брисдан бир сўзгача уйга бориб келишга ёлбориб руҳсат сўрадим. Кўлоқ солгиси ҳам келмади. Яна тунда кеталишим Таниш уй олдига тўхтадим. Қутайилман. Туи қоронғи, ёмғир, юрагим эса қиндан чириб кетай дегини. Қовурилаётган гўш ҳиди думоғини қитқилайди... Демак, анди бошлангилми. Мен эсам чўгисиз ўтда куйилман. Ҳасадан деб ўйлаясизми? Мутлақо! Шу тобда мен эринчоқ бўлиб қолганим учун, севики қалгимдан аяратишмоқчи бўлганлари учун ўзимни ўзим шундайла ёмон кўриб кетдимки, асти куйилрини! Налбимда исеб кўтарилди. Одамлар ишляпти, коммунизм қуришляпти. Ойга учинмоқчи! Мен Брисдан нима бариқа топамай?! Дадиллашдим. Стартерни босдим-да... ва туғилган қишлоғимга қараб йўл олдим. Брись бир амаллаб манзилга етиб олар.

БЕТОҚАТ...

Микола ГРОДНЕВ
белорус ёзувчиси

(ХИКОЯ)

вад оламиз, бироз кутасан-да, энди, ука». Мен кутиб ўтирадиганлардан бўлсам қолқийди. Эртасигаёқ районга бордим. Таниш оғайинларни уратдим, сўрадим-сўраштирдим. Улар менга, тикув эртелигин мудири Прокон Гаврилович Брись янги «Москвич» машинасини олди ва тўзукроқ шофер излаб қўйди, дедилди. Мен ўйлаб ўтирмадим. Ўзимни танитдим. Оғайинларим,— мен бундай одамларни кам кўрганманми, даров, агар мен уни олиб қорам, ҳаракатимни одадлагидан ортинроқ қилишим керак экан, деб ўйладим.

Узи тик турибди, мени ўтказиб олиб сўроқча тутди: нисман, қареллисан, олинга берсин. Мен унга ҳол-аҳолимин батафсил айтиб бердим: туғилган қишлоғим ҳақида, ота-онам, бўйдоқлим ҳақида, марҳум буваимнинг хотиним бўлиб ўтгани ҳақида ҳам айтиб бердим.

Қадрдонларим, биласизларми, менга Брись шундай қарадикки, отларим жимирлаб кетди ва кўли юборса бўладими. Кўлидан ўзини тўхтади: «Ростини айтганда, менга давлат мусасасаси топширилган. Демак, мен давлат одамиман. Менга план бажарилиши топширилган, шоферлик касбини эгаллаш эмас» — деди.

Шундан кейин мен Брисга шоферлик ҳақида оғиз очганим йўқ. Ҳеч қандай зағарин йўқ — районда кезиб юрамиз, областа борамиз. Бу орада мен бир цент-палейка яқин китобин ўзиб чиқдим, пасанми, шу даражага етдимки, ўзимни ўзим масқара қиладиган бўлиб қолдим. Фақат, қандай қилиб қўлиниб кетганимга ўзим талаяқубуламани. Мен Брись тузиб берган махсус тартиб бўйича ишлардим. Кечгача «Москвични» таяллайман, тунга яқин Брисини ишта олиб бораман. Туғиза бўлса ҳам, биз доимо бир қишлоққа кетамиз.

Нихоят биз келишдик: охири Брись менга ўз «Москвич»ини нишониб топширди.

Нихоят биз келишдик: охири Брись менга ўз «Москвич»ини нишониб топширди.

Нихоят биз келишдик: охири Брись менга ўз «Москвич»ини нишониб топширди.

Нихоят биз келишдик: охири Брись менга ўз «Москвич»ини нишониб топширди.

ҚИЛДАН ҚИЙИҚ...

Кеча Қўштут маҳалласида турадиган танишим Гайри-табий бир воқеани ҳикой қилиб берди. Дам олмиш кунин қўшни маҳаллага—Ҳаридоншичига меҳмонга борган экан.

Мен милиция ходимларини жуда қўрқиб қиламан,—деди у,—улар тилчингизимизни, осийнча ҳастимизни ўйлаб тиним билншмайди. Лекин мен кўрган бу воқеа...

Она дарҳол ўганинг буйруғини бажо келтирди. Ниги миляция формасини кийиб олиб шоферга баттар тикилиш қила бошлади. Кабингага ўтар ҳозир миляция бўлимига олиб бораман сени, ўша ерда шоферлик гувоҳномагини тортиб оладилар, деб дўқ қила кетди. Шофер аёл йиғламсираб одамларга ялинарди.

Шу ерда турган ўрта ёшлардаги киши кампирнинг ўғлига қараб: — Эҳ аттанг, жуда уятли иш қилдинг ўғлим, формада туриб бирор билан ёқалашсанми, хайф сенга,—деди.

«Таштекстильмаш» заводи ишлаб чиқарган «ПК-100» йигиринч — пилтнши машинасини («Восток») Туркияга жўнатилди. Жаҳонда энг яхши машиналардан бири деб танилган Совет агрегати биринчи марта шу йил август ойида Измирда очилган халқаро ямаркада намойиш қилинади.

«Таштекстильмаш» заводининг маҳсулоти халқаро бозорда яхши танилган. Таниқил тоналдан бери ўтган чорак аср мобайнида қирқ хилдан кўпроқ машина ишлаб чиқаришни ўзлаштирган корхона тамғаси босялган машина чет эллардаги 16 давлатнинг тўқимачилиги фабрикаларига ўрнатилган. (ЎзТАГ).

«Таштекстильмаш» заводининг маҳсулоти халқаро бозорда яхши танилган. Таниқил тоналдан бери ўтган чорак аср мобайнида қирқ хилдан кўпроқ машина ишлаб чиқаришни ўзлаштирган корхона тамғаси босялган машина чет эллардаги 16 давлатнинг тўқимачилиги фабрикаларига ўрнатилган. (ЎзТАГ).

«Таштекстильмаш» заводининг маҳсулоти халқаро бозорда яхши танилган. Таниқил тоналдан бери ўтган чорак аср мобайнида қирқ хилдан кўпроқ машина ишлаб чиқаришни ўзлаштирган корхона тамғаси босялган машина чет эллардаги 16 давлатнинг тўқимачилиги фабрикаларига ўрнатилган. (ЎзТАГ).

АҲЛОҚ ВА ОДОБ ТЕМАСИДА

шоферлик гувоҳномасини беришн талаб қилди. Шофер ҳам унга ялинди. Лейн қани энди қўнақолса. Одамлар борган сари қўнақиб кета бошлади. Маҳалланинг қаринялари, ёш-яланглар ҳам ўртага тушишди. Лекин она-бола ҳеч ниманинг ганига қўлоқ солишмасди. Аксинча кампир, қўйворма, бу шоферни, правасини тортиб ол, деб ўғлини гиж-гижларди.

Болни йигит атрофдаги одамларга бир-бир раэм солиб чиқди: оёинсига бўйруқ берди: — Погонли костоимимни, кўйлагимни олиб чиқинг!

Одамлар ажратиб қўйишмаганида, билмадим, охири нима билан тугарди.

Одамлар ажратиб қўйишмаганида, билмадим, охири нима билан тугарди.

АЖОЙИБОТЛАР ОЛАШИДА

ИККИ БОШЛИ ИЛОН Жанубий Американинг Порт-Элизабет шаҳридаги илонхонада икки бошли илон боқилар эди. Бир танадан икки томонга алоҳида-алоҳида бўлиб ажралиб чиққан икки бошга икки идишда таом бериларди. Қўларнинг бирида эрталаб илонхона ходимлари хонага кириб хайратда қолдилар. Бир бош иккинчи бошини ютиб, тикилиб қолаёзди. Улар дарҳол бошларини ажратиб қўйишди. Лекин орадан кўп вақт ўтмай илон ўлиб қолди. Маълум бўлишича жароҳатланган бош иккинчи бошдан ўч

олиган. Уни ўлдириб, ўзи ҳам ўлган. Бу биргина воқеа эмас. Нью-Йоркнинг ҳайвонот боғида ҳам Шимолий Америкадан келтирилган икки бошли илон боқилар эди. Ҳар икки бошининг танадан узунлиги 7 сантиметрдан бўлиб, овқатлашнш вақтида икки бош тез-тез бир-бири билан жамақаллашиб туради. Икки бошининг келишмаслигига сабаб шуки, уларнинг бири бир томонга, иккинчиси бошқа томонга ҳаракат қилади.

ишайди. Бу бадиқ киш бошланганда сув билан бирга музлайди. Баҳорда эса муз билан эриб қайтадан ишайберилади.

ишайди. Бу бадиқ киш бошланганда сув билан бирга музлайди. Баҳорда эса муз билан эриб қайтадан ишайберилади.

Пойтахтдаги «Эрток» кондитер фабрикаси янги бадий бежаки кучичаларда конфетлар тайёрлаб чиқара бошлади. Суратда: корхона илдорларидан С. Зиямухамедова ва В. Бронова ўртоқлар янги хил конфетларни қўздан кечиряпти.



Реклама
ВА Эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

10 июнда
БИРИНЧИ ПРОГРАММА
(3-канал)

17.00 дам — Олмаота телестудиясининг эштитиришлари.
20.00 дам — Москва телестудиясининг эштитиришлари.
ИККИНЧИ ПРОГРАММА
(5-канал)

ТОШКЕНТ КўРСАТИДИ
Рус тилида: 16.55 — Эштитиришлар программаси, 17.00 — Удуа эштитиришлари программаси. Динқат! ЭШМ, 17.30 — Математика, Корднат методи.
Ўзбек тилида: 18.00 — Адабий топишом (болалар учун) 18.30 — Телевизион янгиликлар.
Рус тилида: 18.45 — Здровье (илтими оқмабон эштитиришлар программаси), 19.20 — Телевизион янгиликлар, 19.35 — Музика му. тахассислари тайёрлаш мактаби («Ёшлар» студияси).
20.15 — Эртанг кун программаси.
Ўзбек тилида: 20.20 — Ойим бўлсан — олам сенини («Ёшлар» студияси), 21.20 — Телефильмлар, 22.00 — Бадий ҳаваскорлини санъати фестивали.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА
(9-канал)

Рус тилида: 16.55 — Эштитиришлар программаси, 17.00 — Кинофильмлар (болалар учун), 17.30 — Ной Баучинда (кузжатли фильм), 17.30 — Кино кузиорини (кинофильм), 18.10 — Коңцерт, 18.35 — Емон оқибатга олд келувчи болалар одади (илтими оқмабон фильм), 19.05 — Минорининг қандай қилиб мажорга айланган (фильм жоҳнерт), 19.30 — Ҳаскур иккисси (бадиий фильм), 21.20 — Киёса саргузаштлар (2—3 қисмлар).

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 10, 11/VI да Аллоларид.

КИНО

10 июнда
КИШИ ВИНОДА
Спартак — САНҲАТ, САРОНИ (куздуз ва нечуруру), «ЧАЙКА» (куздуз соат 12 ва неч 9 да).
Ударишини истамган эди — СОВИР РАХИМОВ номли, «КОМ. СОМОЛ 20 ЙИЛДИГИ», НАВОНИ номили (куздуз ва нечуруру), «МОС-КВА» (куздуз соат 12, 4 ва неч 6 да).
Ўз уйим — «Ипокабона» — «ЎЗБЕКИСТОН» (куздуз ва нечуруру).
Бу тельба дунё — «МНР» (куздуз ва нечуруру).
Розмари — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛДИГИ (куздуз ва нечуруру).
Уқ — «МОСИВА» (куздуз ва нечуруру).
Кочоқ — «ЧАЙКА» (куздуз соат 3, 5 ва неч 7 да).
ЕЗГИ БИНОДА
Хўна Насриддиннинг 12 набри — «УДАРИШ».
Севги давоси — «1 МАЙ», Ударишини истамган эди — «ФЕСТИВАЛЬ».
«С» шахрида — КАФАНОВ юз. ли.
Кундуз сеансга нинта билет — ТЕЛЬМАН номили.
Бригаддадаги аёсунгар — «ВА. ТАИ».

ТОШКЕНТ ПОЧТА ТАШИШ БУЛИМИ

8, 9, 10-синф ҳаёмида маълумоти бўлган ёшларни кундаги мутахассисликлар бўйича курсга

ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Юборилаётган почталарини сортларга аяратувчи, почта вагонини бошлиғи, ёдамчилар, почта вагонини бошлиғи, шунинг ден почта механизацияларини тузатувчи механизаторлар, почта вагонини тузатувчи-электромонтерлар, юборилаётган почталарини сортларга аяратувчилар, юнчилар ва уборшчиларни

ниша

ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

РЕСПУБЛИКА ГАЗЕТА-ЖУРНАЛ ЭКСПЕДИЦИЯСИГА

матбуотни сортларга аяратувчи ва уловочна қиувчилар, набул қиувчилар, муҳтаблар, сменали иша уборшчилар

КЕРАК

Меҳнат ҳини — мукобот таринида тўланади.
Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Вокзал олдн майдонини. Телефон В.3.81-16.

БИРЛАШГАН НАШРИЕТГА

стариш монтер вазифасига, инженер-электрик, электрмонтерлар, слесарлар, чархловчилар, электр ва газ пайвандчилари, таъминот бўйича техник, шоферлар, машинистлар, вахтерлар

КЕРАК

Тошкент шаҳар, «Правда Востока» кўчаси, 26-уй, надрлар бўлимига мурожаат қилинсин.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («ТАШ. КЕНТСКАЯ ПРАВДА») — Орган Ташкентского обкома КП Узбекистана, областного Совета депутатов трудящихся.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор—835212, Редакция уринбосарлари—833885, 836232, Массуъл секретарь—834808. Пропаганда, адабият ва санъат бўлими—831936. Саноат, транспорт ва қурилиш бўлими—833786. Партия гуруҳи, Ахборот ва спорт бўлими—835811, Кино-фото бўлими, фан мактаб ва олий ўқув ююглари бўлими—839505, Совет ишлари, машиини ва шаҳар ҳўжалиги бўлими—838761. Хатлар ва оқмавий ишлар бўлими—834048, Эълонлар бўлими—838142. Коммуитор—830249 дан 830258 гача.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган нашриятининг босмаханаси. Тошкент шаҳри.

Р. 04380 Индекс 64970 А. 1877.